

# ХУҚУҚ

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

1998 йил  
13 май, чоршанба

# 18 (30)

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета 1997 йил 27 августдан  
чиқа бошлаган



Р. ШАРИПОВ олган суратлар.

Ислам КАРИМОВ:

... Биз 1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан Галаба қозондик. Мендан биров Галаба кuni ҳақида нима дея оласиз, деб сўраса, шундай жавоб берар эдим: бу кун мана шу мусаффо ва тинч осмонимиз учун урушда қурбон бўлганлар кuni, улар хотираси кuni. Бу биринчидан.

Иккинчидан эса, уруш фахрийлари ҳамда урушнинг ўша оғир йилларида фронт орқасида ўзининг фидокорона меҳнати билан бугунги Галабамизни таъминлашга муносиб ҳиссасини қўшган, аини кунларда сафимизда юрган ҳамюртларимизни қадрлаш кuni. Шунинг учун ҳам мен бутун жамоатчиликка қарата мурожаат қилиб, 9 майни Хотира кuni деб қабул қилсак, шу кuni урушда қурбон бўлган ҳамюртларимизни эсласак, деган таклифни айтмоқчиман.

(9 май - Галаба кuniда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган сўбатдан).

## Чоршанбадан-чоршанбагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг таклифига биноан 5-7 май кунлари давлат ташрифи билан Москвада бўлди.

\*\*\*

9 май - Галаба кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонидаги Номалум аскар қабри, Биродарлик қабристонидagi «Мотамсаро она» мейморал ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйди.

\*\*\*

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 10-11 май кунлари ЭКО - Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бешинчи учрашувида қатнашиш учун Алматы шаҳрига ташриф буюрди. 1977 йилда Эрон, Покистон ва Туркия давлатлари томонидан ташкил этилган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти сафига 1992 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон,

Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Афғонистон ҳам қўшилган эди.

Учрашувида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ҳар қандай халқаро ташкилотнинг, жумладан, ЭКО ва унинг ижроия қўмиталарининг фаолиятини ҳам баҳолашда амалий ишлар асосий мезон бўлиши лозимлигига саммит қатнашчиларининг эътиборини қаратди.

\*\*\*

Вазирлар Маҳкамасида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик, қўмита, компания, уюшма ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари қатнашдилар.

## Шу сонга хабарлар

### «ЁШ ФИДОЙИЛАР КЛУБИ»

Ватан ва халқ равнаки учун фидойи ёшлар қанча кўп бўлса шунча яхши. Айниқса бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ёш фидойилар клуби» ташкил этилганлиги аини муддао бўлди. У Олий ўқув юртлари талабаларининг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат идоралари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Клубга Тошкент университети ва институтларининг талабалари аъзо бўлдилар.

### БОШ СОВРИН - «ТИКО»

Матбуот нашрларининг йирик совринли мусобақаларни ташкил этишлари ҳозирча кам учрайдиган қувончли воқеадир. «Наманган ҳақиқати» вилоят газетаси ҳаваскор теннисчилар ўртасида халқаро турнир ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Таҳририят турнирда голиб чиққан ҳаваскор теннисчини «ТИКО» автомобили билан мукофотламоқчи. Хуллас, 35 ёшдан катта ҳаваскор теннисчилар омадларини синиб кўришлари мумкин. Мусобақа 15 майдан бошланади.

## КЕЙИНГИ СОНДА

### «ПАНЖАРА ОРТИДАГИ ҚОТИЛЛИК»

Газетамизнинг навбатдаги сонида чоп этиладиган ушбу мақолада жазодан ўзларига тегишли ҳулоса чиқариб олмаган маҳкумлар тақдирини билан танишасиз.

## Ушбу сонда

### РАҲБАР НҲНОҚ БҮЛСА...

Бозор талабаларига жавоб бера олмаган ҳар қандай корхона синиши, қонун тили билан айтганда банкротга учраши тайин.

3

### СУД ҚАРОШИ ВА АЖРИМИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

... судларда фуқаролик ишлари кўрилишида ҳали ҳам адолат тамойили бузилиши ҳоллари мавжуд.

4

### ЎКИНЧ САДОЛАРИ

Икки марта судланганман. Афсус, бошқа жойда шундай панду насиҳатлар эшитганимда, яна қайта жиноят қилмаган бўлардим. Умримни беҳуда ўтказганимни, одамларга ўринсиз жабр қилганимни энди тушуниб турибман.

7

**ТАЪСИСЧИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Қонун ҳимоясида» журнали

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари

**БОШ МУҲАРРИР:**

Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ**

- Асрор АҲМАДЖОНОВ
- Дилшод ИСЛОМОВ (масъул котиб)
- Эркин ЙЎЛДОШЕВ
- Мэлс НАИМОВ
- Орипжон ХОЛМАТОВ
- Лола ШОМУРОВА
- Бахтиёр НАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)

Газета андозаси «Хуқуқ» газетаси компьютер марказида тайёрланди.

Тахририятга келган кўлезмалар муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Газетадан кўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик мақолалар белгиси остида чоп этилади.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар: 13-363-88, 13-382-34, 77-69-64.

Газета Тошкент вилоят матбуот бошқармаси томонидан №767 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босма-хонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси -41.

Нухаси 18987 Буюртма Г- 063 Қоғоз бичими - А-3. Баҳоси сотувда эркин нархда.

Навбатчи муҳаррир: М. БОЛЛИЕВА

Навбатчи: О. БЕГАЛИЕВ

**Тил - миллат гурури**

# ҚОНУН ҲАЛИ ЭСКИРГАНИ ЙЎҚ

Янгиланаётган жамиятимизга шиддат билан кириб келган реклама ҳақида журналистлар матбуот нашрларида бир талай мақолалар ёзиб улгуришди. Лекин бу ҳодисанинг табиати биз учун ҳали очилмаган кўриқдай туюлади. Шундан бўлса керак, ҳамкасбларимиз бу мавзуда қалом тебратилган ҳоли чарчаганлари йўқ.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқаридан «ажнабий» киефада кириб келган реклама ўз таъсир доирасини шунчалик тез кенгайтирдик, аввалоги унинг иқтисодий-ижтимоий, табиий воқелик эканлигини дабдурустдан, идрок этолмадик. Англаганимиз шуки, бозор иқтисодиёти рекламасиз яшай олмас экан. Лекин бугунга келиб, ҳалқимизда миллий гурур туйғуси уйғонаётган бир пайтда бу масаланинг муаммолари жиҳатлари оидинлаша бошлади.

Ўзбек халқи асрлар оша шаклланган ўз тили, миллий анъаналари ва қорашларига эга экан, демак, биз ҳам ўз миллий рекламаимизга эга бўлишимиз керак, деган масалани ҳаётнинг ўзи-олдимизга кўндаланг қўймоқда. Миллий реклама яратишни эса энг аввало, унга давлат тилини жорий этишдан бошлаш лозим бўлади. Гап шу ҳақда.

Тошкентликлар ва пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонлар транспорт воситаларидан, айниқса, метро хизматидан фойдаланишни афзал қўришади. Бунинг боиси тушунари, албатта. Тошкент метроси хизмат маданиятининг юқорилиги билан ажралиб туради. Қанина ҳам деярли ҳар кун 2-3 марта метрога тушаман. Метро бекатлари ёки поезд вагонларига кирганимизда, ранг-баранг рекламаларга эътибор бермай иложингиз йўқ. Уларнинг юксак профессионал маҳорат билан

тайёрланганини албатта эътироф этасиз. Аммо...

Деярли бир йиллик кузатишларимизда юзлаб мавзулардаги рекламаларни ўқиган бўлсанда, уларда ҳануз бир нарса ўзгармаётгани мени ажаблантириб келади. Рекламалар матни фақат рус тилида ёхуд инглиз тилида берилаяптики, бундан кўнгилда қандайдир оғриқ уйғонади.

Эҳтимол, бунинг қонун билан боғлиқ сабаблари бордир, деган ўйда 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган, «Давлат тили ҳақида» (яни тахрирдаги) қонунни яна варақлаб кўрдим. Шубҳаларим ўринсиз экан. Қонуннинг 20-моддасида «Лавҳалар, эълонлар, бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин», деб аниқ ёзиб қўйлибди. Ҳозир ҳам реклама беришда қонуннинг ушбу моддаси талаблари бузилмоқда. Нега шундай?

Бизнингча, бунинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, тоталитар тузум онгимизга синдирган кўнликма ва қорашлардан ҳануз қутулолганимиз йўқ. Иккинчидан, мазкур қонуннинг ижросига масъул, мутасаддиқларнинг айримлари давлат тили ҳақидаги қонун борлигини билсалар-да, уни назар-писанд қилмаяптилар чоғи. Реклама

ортидан келаётган жаражарак фойда қаршисида қонун ижроси эсдан чиқариб қўйилапти. Учинчидан, Тошкент шаҳрида иш олиб бораётган реклама агентликларини давлат тилини пухта билувчи етук мутахассислар билан таъминлашга эътибор жуда суст.

Қонунларимизда, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларида бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларининг ўзига хос мураккаб вазифалари белгилаб берилмоқда. Уларни ўз вақтида оғишмай ва бекамаи кўст бажарсақгина, тараққиётимизда силжиш бўлади. Бугунги ишни орқага суриш қимматга тушишни ҳаётий тажрибамиз исботлаб турибди. Шундай экан, энг аввало, қонунларнинг сўзсиз ижросини таъминлашимиз, уларга амал қилиб яшашни ўрганишимиз лозим эмасми?!

Гап миллий рекламани яратиш ҳақида борар экан, биринчи навбатда, мутасаддиқори мизнинг қонун олдигаги масъулиятини ошириш зарур. Кейинги пайтда бу соҳада олиб борилаётган изланишлар реклама соҳасида ҳам етук миллий кадрлар кўплигини кўрсатиб турибди. Уларнинг бошини бир жойга қовуштириб, зарур дастурлар билан таъминлаш керак.

Рекламанинг «ҳазми» қийин бир тури ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

**«Коррупция етказган иқтисодий зарар» мақоласи муҳокамада**

## Қатъиятли бўлайлик

«Хуқуқ» газетасининг муҳлисимон. Ҳафтаюманинг шу йил 15 апрель сонида берилган «Коррупция етказган иқтисодий зарар» сарлавхали сўхбатга бир юрист сифатида ўз муносабатимни билдиришни лозим топдим. Ушбу сўхбатда жуда долзарб масала кўтарилган. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимиз жиноятчиликнинг, жумладан, унинг хавфли тури бўлмиш коррупциянинг лойини қирқадиган етук қонунларга эга. Республика прокуратураси, унинг жойлардаги

идоралари қонунларга амал қилинишининг назорати соҳасида катта ишларни олиб бормоқда. Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Солиқ ва Божхона Давлат қўмиталарининг тегишли бўлинмалари ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкланган. Сўхбатда тўғри таъкидланганидек, ҳуқуқ-тартибот идораларининг хизматлари туфайли қўллаб қорғаш ва шу турдаги жиноятлар фож этилаётганини кўриб турибмиз. Айни пайтда, афсуски, бу

соҳаларда ҳам ўз бурчиға масъулиятсизлик билан ёндашаётган ходимлар оз бўлса-да, учраб туради.

Шунинг учун газета қонунни бузган, хизмат вазифасини суистеъмол қилган ва бу билан ҳуқуқ-тартибот идоралари шаънига доғ тушираётган қимсаларнинг фаолиятини фож этувчи мақолалар, фельетонлар бериб бориши керак. Коррупция етказган зарарга «ҳисса» қўшган масъул кишиларнинг қимлигини эл билиб қўйсин. Шундоғина қонунларга амал қилишда собитқадамлик бўлади. Ҳар қандай жиноятнинг пайи қирқилади.

**Ғ.ХАЛИЛОВ, Тўйтепа шаҳри.**

**Маҳорат мактаби**



Р.ШАРИПОВ суратлари.



Пойтахтимизда бўлиб ўтган ўт ўчирувчилар мусобақасида соҳа ходимлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Гап тамаки рекламаси хусусида.

Ҳозирча республикаимизда тамаки маҳсулотлари рекламасини таъкиловчи қонун иш-лаб чиқилгани йўқ. Лекин, бундай қонунга зарурат ҳам борга ўхшайди. Ушбу муаммо кун тартибидан турган бир пайтда Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1998 йил февраль ойида муҳим бир қарор қабул қилдики, бу қарорни ҳамшаҳарларимиз айни муд-дао деб, ҳисоблашмоқда. Мазкур қарорга кўра, шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб, пойтахт ҳудудида тамаки маҳсулотларига оид рекламаларни жойлаштириш ва ўрнатиш таъқиқлаб қўйилди. Қизиғи шундаки, қарор матбуотда чиққач, ордан бир неча кун ўтмай шаҳримизнинг айрим кўчаларида анги бир реклама пайдо бўлди. Бахайбат «Кент» сигарети рекламасидаги «Давайте работать вместе для поддержания закона» деган русча сўзларни ўқиб, галати аҳволга тушдим. Давлат тили ҳақидаги қонунни бузётганлар кимлар? Наҳотки, шаҳар ҳокимлигининг муҳим қарори ҳам сиёҳи қуримай галалонга ташлаб қўйилган бўлса?! Е бу қарор шаҳар туманлари ҳокимликларига етиб бормаганимикин? Етиб борган бўлса нима учун шаҳарнинг ўнлаб кўча-ларида тамаки рекламалари ҳамон савлат тўкиб турибди?

Қонунни бирварақайига ижро этишни талаб қилиш ўринсиз, албатта. Лекин, реклама соҳасига ҳам «Давлат тили ҳақидаги» қонун жорий этишда сустқашлик қилиш ярамайди. Метрода, кўча ва хиёбанларда ўзбекона рекламалар, лавҳалар кўнайиб борса, бу миллиятимиз қодди тикланиб бораётганининг ифодаси бўлади-ку? Келажоғи буюк давлатимизнинг тили ҳам буюк. Фақат унинг хурматини жойига қўяйлик.

**Б.НАЗАРОВ.**

**Миннатдорчилик**

## ИШОНЧИМ ЯНА ОРТДИ

Халқ банкига ўз номимга қўйилган жомгарман индексация бўйича комиссия қарорига кўра индексация қилиниши лозим эди.

Лекин бетон бўлиб қолганим туфайли индексациялаш муддати ўтиб кетди ва бундан фойдаланиб, жомгарманни ўзлаштириб юборишибди.

Шундан сўнг судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, қонуний манфаотимни ҳимоя қилишларини сўрадим. Вилоят ва туман прокуратуралари мени қўллаб-қувватлашди. Уқурғон туман суди менинг фойдамга адолатли ҳукм чикарди. Лекин халқ банки суд қарори устидан даъво аризасини киритди. Ниҳоят, бу ишни Наманган вилоят суди хайрат қўриб чиқиб, халқ банкининг даъвосини рад этди.

Прокурорларни қонун ва адолат ҳимоячилари, деб бекарга айтишмайди. Сиз туфайли менинг ҳуқуқларим тикланди. Ўз ишига виждонан ва ҳалол ёндашиб, қонун устиворлиги учун курашаётган прокурорларимизга чин дилдан ташаккур билдираман.

Мен каби оддий фуқароларнинг прокуратура идораларига ишончи тобора ортиб бораётганини уларнинг хизмати эътироф этилаётганидан далолатдир, деб ўйлайман.

**Ғ.ШАХМЕТЬЯРОВ, уруш ногирони, Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри.**

Иқтисодиёт ва қонун

Мамлакатимизда ижтимоий йўналиштирилган кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш жадал давом этмоқда. Мустақилликнинг ўтган етти йили мобайнида бозор иқтисодиётига асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг стратегик йўналиши белгиланган, уни рўйбга чиқаришга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан, бир неча қонун қабул қилинди. Улар, сўзсиз, тараққийдга хизмат қилувчи ҳужжатлардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон иқтисодиёти шакллантиришда жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар тажрибасини пухта ўрганган ҳолда мавжуд мураккаб жараёни босиб ўтишда ўзига хос йўлдан бормоқда. Шубоисдан ҳам эришилаётган натижалар МДХ мамлакатлари орасида алоҳида кузга тошланиб турибди. Йўлбошчиимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, «Ўзбекистон эришган натижаларни Ҳамдўстлик мамлакатлари билан қийсалган, таққослаган ҳолда бир нарсага ниҳоят очиқ айтиш мумкинки, бу кўрсаткичлар Ўзбекистон талондан йўл тўри эканлигини, Ўзбекистон модели тарих имтиҳонидан муваффақиятли ўтаётганлигини амалда тасдиқлайди. Бу кўрсаткичлар борча ислохотларимиз пойдеворида турган таъминотларимизнинг тўри эканлиги исботланади».

Жаҳон тажрибасидан яхши аёнки, рақобатсиз тараққийёт бўлмайди. Лекин рақобатга бордош бериш, мураккаб ўтиш жараёнида бозор талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш осон эмас. Бу жараёнда иқтисодиётнинг ўзига хос қонунларида амал қилмаган, бозор талабларига жавоб бера олмаган ҳар қандай кор-

хона ёки хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахс синиши, қонун тили билан айтганда банкротга учраши тайин.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни ва мамлакат Президентининг «Қорхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан Тошкент шаҳар прокуратураси алоҳида тадбир ишлаб чиқиб, жойлардаги қорхоналар аҳолини мунтазам назорат қилиб бораёпти. Ушбу масала 1997 йил май ва 1998 йил апрель ойларида ўтказилган ҳайъат мажлисида батафсил кўриб чиқилиб, тегишли тадбирлар белгиланди. Жумладан, прокурорлик назоратини ташкил қилиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Туман прокурорларига ёрдам сифатида методик қўлланмалар ишлаб чиқилиб, йўналишувчи хатлар юборилди. Ҳар 6 ойда, жумладан, жорий йилнинг январь ойида ҳам шаҳардаги қонунчилик аҳоли умумий назорат бўлими томонидан таҳлил қилиниб, китоб сифатида чоп этилган ҳолда умумий назорат йўналишидаги ишларни режалаштириш, текширишларни ташкил қилишда амалий фойдаланиш учун барча туман прокурорларига тавсия этилди. Шунингдек, кредиторлик қарзлари ошиб кетган, уларни узишга қодир бўлмаган қорхоналар аҳоли юзасидан олинган банк маълумотлари ҳам амалда фойдаланиш ва қоралар қуриш учун мунтазам равишда туман прокуратураларига юборилмоқда.

Бундан ташқари умумий назорат бўлими прокурорлари мунтазам равишда туман про-

# РАҲБАР НҲНОҚ БҮЛСА... КОРХОНА БАНКРОТ БҮЛАДИ

қуратураларига чиқиб амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Ана шу ишлар натижаси ўларак шаҳар прокуратураси томонидан начор аҳволга тушиб, қарзлари мол-мулк микдоридан ошиб кетган ва ҳужалик фаолиятини юритишга қодир бўлмаган ҳужалик юри-тувчи субъектларни банкрот, деб эълон қилиш юзасидан ҳужалик судларига 1997 йил давомида 14 та, 1998 йилнинг ўтган даври мобайнида эса 2 та даъво аризаси киритилди.

Ҳўш, нега қорхоналар синиш ҳолатига тушиб қоляпти? Масалан, «Сувноқ» фирмасида бухгалтерия ҳисоб-китоби қониқорсиз юритилган. Бош ва касса китоблари йўқлиги оқибатида, 1996 йилда қорхонада вексел кирим - чикими жараёнлари ҳисоботларда кўрсатилмаган. Натижада қорхонада 459500 сўмлик муддати ўтган дебиторлик, 9665376 сўмлик кредиторлик қарзлари юзга келган. Бундан ташқари ер солиғи бўйича ҳисоботларда 0,134га ер майдони кўрсатилмаганиги туфайли 20700 сўмлик ер солиғи ҳам ҳисобланмаган.

1997 йилда эса мол-мулк солиғи бўйича ҳисобот топширилмаган яъни солиққа тортиладиган мол-мулк кўрсатилмай 10800 сўм, ер солиғи бўйича 0,1339га ер майдони ҳисоботдан яширилган.

1998 йил учун қўшимча қий-мат солиғи бўйича ҳисобот топ-

ширилмаганиги ва солиққа тортиладиган монба кўрсатилмаганиги натижасида 12139,3 сўмлик солиқ ҳисобланмасдан қолдирилган. Қорхона директори К.Шерматов файриқонуний ҳаракатлар содир қилган ҳолда, ҳисоботларни нотўғри тузиб, 84998 сўмлик фойдани ва солиқ солинадиган объектларни қасдан яшириб, солиқларни тўлашдан бўйин товланган. Қорхонанинг қарз мажбуриятлари унинг мол-мулк қийматида ошиб кетган, яъни банкрот ҳолатга келиб қолган. Мавжуд ҳолатни бухгалтерия ҳисоботларида яшириб келганлиги учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир қатор моддалари билан жиноят иши кўзатилди.

«Карнак» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида ўтказилган текшириш жараёнида 1998 йил 1 мартдаги ҳолатига кўра 2млн.398 минг 720 сўмлик муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжудлиги аниқланди. Мавжуд қарзларнинг юзга келиши таҳлил қўрилди. «Карнак» қорхонаси раҳбари Абдурахмон Розибоев 1996 йил 22 майда «Қадрият» илмий ишлаб чиқариш давлат қорхонаси билан тузилган 22-сонли шартномага асосан олинган 1238560 сўмлик «Мл-12» маркази 3996 кг. автомашина бўёғини ҳеч қандай чиким ҳужжатларисиз фуқаро Н.Саъдуллаевага сотиш учун бериб юборган. Н.Саъдуллаев уни ўзқ

муддат сотолмасдан ўзида сақлаб, қўйтадан А.Розибоевга топширган.

У эса товарни ҳеч бир ҳужжатсиз Сирғали туман футбол клуби оғборхонасида қолдирган. Натижада, жами 1238560 сўмлик моддий-товар бойликлари алдаш ва ишонччи суиистеъмо қилиш йўли билан фуқаро Бохтиёр Турсунов томонидан талон-тарож қилинган.

Кўриниб турибдики, ушбу ҳолатда ўтакетган масъулиятсизлик туфайли қатта микдорда кредиторлик қарзлари юзга келган. Маҳсулотнинг талон-тарож қилиниши, қорхонанинг банкротлик ҳолатига тушиб қолишига олиб келган.

Текшириш натижаларига кўра «Карнак» фирмаси раҳбари А.Розибоевга ва фуқаро Б.Турсуновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзатилди.

Шуни унутмаслик лозимки, ҳар бир юридик шахс раҳбари қорхонанинг мулк шаклидан қатий назор, қонун доирасида иш юритиш лозим. Акс ҳолда қорхонани банкротлик ҳолатга туширганиги ва ўз вақтида судга даъво аризаси билан мурожаат қилмаганиги учун белгиланган тартибда қонун олдида жавоб бериши.

**Х.ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлими қатта прокурори.

Транспорт прокуратурасида

## ЙҲЛОВЧИЛАР

Йўловчиларнинг сафарлари хатарсиз бўлиши учун темир йўллар ва ҳаво йўллари тизимида назоратчи ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ана шу ташкилотларда учрайдиган қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида республикамизда транспорт прокуратураси ишлаб турибди.

Транспорт прокурорлари томонидан темир йўл компаниясининг ҳисоб-китоб ва юкларни ташиш хизматларининг аҳоли текширилди. Тафтиш натижасида компаниянинг ҳисоб-китоб хизмати бошлиғи вазифасини бажариб келаётган У. Ирисметова 1996 йил давомида ўз мансабини суиистеъмо қилган ҳолда турли фирмалар ва жисмоний шахсларнинг шахсий юкларини темир йўл орқали бёпул жўнатиб юбориб, уларнинг «доусини олганлиги, натижада компания манфаатига қатта микдорда зарар етказганлиги маълум бўлди. Таниш-билишлари учун компания ҳисобига ҳожатборорлик қилиб юрган У. Ирисметовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «а» банди, 209-моддаси 2-қисми «а» банди билан жиноят иши кўзатилиб ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмақда.

Текширишлар давомида 3 млн. 54 минг сўмлик моддий зарар айбдорлар томонидан ихтиёрий равишда қопланди. Умумий назорат йўналишидаги текширувлар якунига кўра, мазкур компания фаолиятидаги қонунбузилиш

ҳолатлари юзасидан 39 та жиноят иши кўзатилиб терговга оширилган. Темир йўл ва ҳаво йўллари компаниялари хизматчиларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий, меҳнат ва маиший ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига оид

## МАНФААТИ

қонун ва Фармонлар ижросига ҳам қатта эътибор берилди. Лекин шунга қарамай, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишни яхшилашга эришиш қийин кечмоқда. Буни биз поезд бошлиқлари ва вагон кузатувчиларининг файри-қонуний ҳаракатларида ҳам кўришимиз мумкин. Йўловчиларни темир йўл транспортда чиптасиз ташиб ўз манфа-атлари учун ишлайдиган ноинсоф хизматчилардан 14 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тизимида Ҳарбийлашган кўрқичлик бўлиниши ва Марказий санитария - эпидемиология станцияси идораларида фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш амалиёти ҳам ўрганилиб чиқилди. Натижада бир қатор маъмурий жавобгарлик ҳақидаги материаллар бўйича фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Жумладан, 1997 йил 14 июлда бўлинима қатта инспектори М. Фазлиаҳметов

томонидан тузилган боённома бўйича фуқаро А. Камолов ДАТК га қарашли хонада чекканлиги учун бўлинманинг қарорига асосан 300 сўм жарима тўлашга мажбур қилинган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик ҳақидаги Кодекснинг 122-моддасида фақат поезд, ҳаво ва сув кемаларининг алоҳида жойларида чекканлиги учун энг кам иш ҳақининг 20 дан 1 қисми микдоридан жарима солиш

белгиланган. «Ўзи хон-қўланкаси майдон» йўл транспорт хизматчилари фуқаролардан қонунга зид равишда жарима ундириб жиддий қонунбузилишларига йўл қўйган-

ҳуқуқларини билмасликлари бундай раҳбарларга қўл келаяпти. Иккинчи асосий сабаби-йўл транспорти компанияларидаги раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва бёпарворлигидир.

Транспорт прокуратураси ва унинг тизимидаги транспорт прокуратуралари томонидан, умумий назорат йўналишидаги текширишлар ҳамда урғотган хато ва камчиликларга нисбатан кўриляётган чора тадбирлар транспорт тизимларида қонунчилик ҳолатларининг бирмунча яхшиланишига олиб келди.

Айниқса, темир йўл компаниялари бўйича ташиляётган юкларни асраш, талон-тарожликларга йўл қўймасликка эътибор қучайтирилди. Натижада 1996 йил давомида компанияга 2 млн. 965 минг сўм зарар етган бўлса 1997 йилда бу микдор 1 млн. 354 минг сўмга қамайди. Бундай ҳолатларни авиакомпания тизими бўйича ҳам эътироф этишимиз мумкин.

Республикамиздаги транспорт проку-

## ҲИМОЯЛАНГАН

лар. Фуқароларни жавобгарликка тортиш даврида қонун талабларидан четта чиқиб ҳоллари компаниянинг марказий СЭС идорасида ҳам авжига чиққан кўринади. МСЭС бошлиғи А. Кушнер 58, 59 ва 84-сонли боённомаларга кўра 6 та фуқарони санитария қондаларини бузганлида айблов, 275 сўм жарима ўрнига 500 сўмдан жарима ундириб олади. Ҳўш, йўловчилар ҳуқуқларининг бундай паймоқ қилинишига сабаб нима? Авало, фуқароларнинг қонунни, ўз

ратуралари томонидан транспорт тизимидаги қонунчилик ҳолатларини ўрганиш мунтазам олиб борилмақда. Бу борада, айниқса, Фарғона, Термиз ва Тошкент транспорт прокуратураси фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

**А.МУРОДУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон транспорт прокуратурасининг транспортда қонуларни бажарилиши устидан назорат қилиш бўлими қатта прокурори.  
**М.БОЛЛИЕВА,** «Хуқуқ» муҳбири.

## «Хуқуқ»қа жавоб берадилар

Тахририятимизга фуқаролардан кўп ҳат, ариза ва шикоятлар келиб турибди. Улар орасида фуқаролик ишлари оид шикоятлар ҳам талайгина. Бу, бир томондан, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини англаб етмаётганини, прокуратура идораларига ишонч мустаҳкамлашиб бораётганлигини, иккинчи томондан, судларда фуқаролик ишлари кўрилишида ҳали ҳам адолат тамойили бузилиши ҳоллари мавжудлигини кўрсатади.

Тахририятга келган ҳар бир мурожаат республика прокуратураси, вилоят ва шаҳар прокуратуралари томонидан назоратга олиниб, атрафлича текширилиб, албатта ҳал этиляпти. Текширувларнинг натижалари эса газетамиз саҳифаларида эълон қилинмоқда.

Урганч шаҳридан Ғ.Отажонов ва бошқалар номидан тахририятимизга йўлланган шикоят хати ҳам республика прокуратураси томонидан атрафлича текширилди.

Республика прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими текшируви натижаларига кўра, Урганч шаҳар судининг мазкур фуқаролик иши бўйича 1997 йил 29 сентябрдаги ҳал қилув қарорига ва Хоразм вилоят суди судлов хайъатининг 1997 йил 20 ноябрдаги ажримига нисбатан вилоят суди раёсатига назорат тартибда протест келтирилди. Хоразм вилоят суди раёсати мазкур протестни кўриб чиқиб, унинг натижасини тахририятга маълум қилди.

Даввогар Ғ.Отажонов ва бошқаларнинг аризаси бир неча варақдан иборат бўлганлиги учун, унинг мазмунини қисқача баён этамиз:

Даввогарлар Қурбонжон Отажонова, Тўхтажон Отажонова, Саломат Отажонова, Каромат Отажонова ва Ғоипназар Отажоновлар тахририятга йўллаган аризаларида ота-онасидан мерос қолган, Урганч шаҳар Бобур кўчасидаги 17-уйга акалари Қўшнар Отажонов 1991 йил апрель ойида оналари Эрка Бобоевнинг касалхонада оғир аҳволда ётганидан фойдаланиб, унинг имзосини қалбақлаштириб, ўз номига васиятнома расмийлаштиргани баён этилган. Аризада ёзилишича, Қўшнар Отажонов 1994 йилда ворислик ҳақида гувоҳнома олган. У вафот этганидан сўнг унинг турмуш ўртоғи Бекшоша Хўжаниязова уйни сотмоқчи бўлган, лекин даввогарлар бунга қарши туришган.

Хатдан маълум бўлишича, даввогарлар васиятномадан хабардор бўлмаганлар, ундаги имзо ҳам марҳум оналарига тегишли эмас. Даввогарлар оналари Эркажон Бобоева номидан тузилган васиятномани ва акалари Қўшнар Отажоновга берилган ворислик ҳақидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топгани ва уларнинг ҳар қайсисига ота мерос уйдан ўз хиссасини ажратиб беришни сўраб, Урганч шаҳар судига мурожаат қилганлар.

Урганч шаҳар суди ушбу ишни кўриб чиқиб, даввогарларнинг талабларини рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради. Ушбу суд қарори Хоразм вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати ажримига кўра ўзгаришсиз қолдирилган.

Энди Хоразм вилоят суди раёсатининг қароридан кўчирмалар келтирамиз:

Раёсат, раёсат аъзоси Матмуродовнинг маърузасини, прокурор Иноятовнинг протестини қаноатлантириш ҳақидаги ҳулосасини эшитиб, иш материаллари ва протест вазларига муҳокама қилиб, тубдандаги асосларга кўра протестни қаноатлантириш лозим деб топди.

Урганч шаҳар суди томонидан ишни кўришда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунларининг 15 ва 53-моддалари (янги тахрирдаги 15,57-моддалари) талаблари тўлиғича бажарилмаган. Ишнинг ҳақиқий ҳолатлари, торафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланмаган, фақат тақдим қилинган ҳужжатлар билан чекланиб, моддий ҳуқуқ нормалари тадбиқ этилишида ҳаттоларга йўл қўйилган, натижада ғайриқонуний қарор қабул қилинган.

Даввогарлар давво аризасида ва суддаги баёнотларидан мерос уйда акалари Қўшнар оиласи билан яшаб келаётганлиги учун илгари ҳеч қаерга мурожаат этишмаганини, низо акалари Қўшнар 1996 йил 18 майда ва

# СУД ҚАРОРИ ВА АЖРИМИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

ворислик ҳақида гувоҳнома берилгани аниқлангандан сўнг судга мурожаат этишган. Бундай ҳолатда давво мuddати ўтказиб юборилганлиги ҳақида суд барвақт хулосага келган кўринади.

Давво аризасида кўрсатилишича, низоли мерос уй оталари Отажонов Ишнӣёз номига ажратилган ер майдонида 1964 йил қуриб битказилган. 1980 йили у вафот этган. Суддаги баёнотлардан кўринишича, Ишнӣёз отанинг вафотидан сўнг меросни бевосита уйда яшаб келаётган хотини Бобоева Эркажон, кизи Қурбонжон ва ўғли Ғоипназар қабул қилиб олганлар. Бобоева Эркажон кейинчалик ўз номига қонун бўйича ворислик ҳақида гувоҳнома расмийлаштириб, уйни ўз номига ўтказган. Бўлғуси суд мажлисида, Бобоева Эркажоннинг ворислик ҳақидаги иши нотариал идорадан чақирилиб, қонун бўйича ворисликни расмийлаштиришдаги аризада фарзандлари кўрсатилгани, умуман, фарзандлари онаси Бобоева Эркажоннинг ворислик гувоҳномасини олганини билганми, билган тақдирда нима учун Ғоипназар ва Қурбонжон ёки бошқа фарзандлари ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида судга ёки нотариал идорасига мурожаат этишмаганининг сабаблари аниқланиши керак.

Шунингдек, даввогарлар Ғоипназар, Қурбонжон ва бошқаларнинг қай бири оналари Бобоева ўлганидан сўнг меросга киришганлигини, нима учун судга ёки нотариал идорасига бундай мурожаат этишмаганлиги, оналари Қўшнарнинг васиятнома қолдирганлиги ҳақида билган-билмаганликларини қўшимча гувоҳлар жалб қилиниб, аниқлаш лозим. Агар, Бобоева Эрка томонидан ворислик ҳақидаги гувоҳнома фарзандларининг қонуний манфаатлари бузилган ҳолда олинган бўлса, ушбу гувоҳнома қисман ҳақиқий эмас деб топилши, даввогарларнинг ота мерос уйдан хиссалари шунга қараб аниқланиши лозим бўлади.

Суд даввогарларнинг васиятномадаги имзо Бобоева Эркажонники эмаслиги, кўзи кўрмаслиги туфайли ҳаттоки пенсия варақасига ҳам имзони оила аъзолари қўйишлари ҳақидаги ҳамда васиятнома Қўшнар томонидан қалбақлаштирилган, деган вазларни тўлиқ текширмасдан, фақат касаллик варақаси, гувоҳ Бобоева Ойқонимнинг кўрсатмасига асосланган ҳолда қарор қабул қилган. Бўлғуси суд мажлисида касаллик варақаси, яъни лаёқатлилиги, кўзи кўрмаслиги ҳақидаги вазлар юзасидан суд-тиббий психиатрия экспертизаси тайинлаш масаласи ҳал қилинмоғи лозим. Бундан ташқари, васиятномадаги имзо ким томонидан қўйилганлигини аниқлаш учун Бобоевнинг пенсия варақаларидagi (ёки бошқа) дастхатларидан нусхалар олиниб, ишга тикилиб, суддастхот экспертизаси ўтказиш йўли билан текширилиши керак.

Бундан ташқари суд, Отажонов Қўшнарнинг Урганч шаҳар нотариал идорасига 23.03.94 йилда тақдим қилган аризасида, Бобоева Эркажоннинг ўзидан бошқа ворислари йўқлигини баён этганлигига, яъни ворисликка талабдор бошқа ака-укалари борлиги яширилгани эътибор бермаган кўринади. Ушбу ворислик ишини ҳам судга чақириб, қоридаги ҳолатлар атрафлича текширилмоғи ва қонуний қарор қабул қилиниши керак.

Даввогар Отажоновларнинг Республика прокуратурасига йўллаган ариза ва шикоятларида, иш материалларидаги баёнотларида, Отажонова Қурбонжон нафақахўр эканлиги кўрсатилган. Бундай ҳолатда суд Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1142- (эски тахрирдаги 586-) моддаси талабига кўра, даввогар Отажонова Қурбонжоннинг меросдан мажбурий ҳисса олишга ҳуқуқи бор-йўқлигини муҳокама этмоғи лозим эди.

Низо мазмунидан кўринишича, Урганч шаҳар 1-сон

нотариал идорасининг 2 та нотариал ҳаракати юзасидан давво қилинаётган бўлса ҳам, нотариал идораси ишга 3 - шахс сифатида жалб қилинмаган. Ўзбекистон Республикаси ФПК 45 - (эски тахрирдаги 40 -) моддасига кўра, бўлғуси суд мажлисида Бобоева Эркажон номига расмийлаштирилган ворислик ҳақидаги гувоҳноманинг ҳам ҳақиқийлиги текширилмоғи лозим, шунинг учун ишга, албатта, нотариал идораси жавобгар сифатида жалб қилиниши шартдир.

Бундан ташқари, даввогарларнинг аризасига илова қилинган, низоли уй жойлашган «Гулзор» маҳалласи аҳолисининг Хоразм вилоят ҳокими номига ва вилоят судига йўллаган, ишнинг кўрилишида муҳим аҳамиятга эга бўладиган бир қанча вазлар келтирилган аризаси мавжуд. Ушбу аризадаги вазлар ҳам суд мажлисида муҳокама этилмоғи лозим бўлади.

Шу билан бир қаторда, жавобгар Хўжаниязова Бекпошшанинг турмуш ўртоғи Қўшнарнинг номига васиятнома қолдирганлигини даввогарлар билар эдилар, меросдаги хиссаси учун биз Ғоипназарга 2 хонали уйни ҳадя қилганми, Каромат нотариуснинг касалхонага келганидан хабардор эди, деган вазлари ҳам ҳар томонлама текширилиб, тўлланган далилларга асосланган ҳолда низоли уйдан мерос хиссаларини натуро ёки унинг қийматини пул шаклида ундириш масаласи ҳам муҳокама этилиб, қонуний тўхтамга келиш керак бўлади.

Урганч шаҳар суди томонидан ишнинг кўрилишида йўл қўйилган бу хато ва камчиликлар вилоят судининг судлов хайъати эътиборидан четда қолган, шу сабабли вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг ажрими асоссиздир.

Юқоридагиларга асосан Раёсат Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 360-моддасини қўлар,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ушбу фуқаролик иши бўйича Урганч шаҳар судининг 29.09.1997 йилдаги ҳал қилув қарори ва вилоят суди судлов хайъатининг 20.11.97 йилдаги ажрими бекор қилинсин.

Фуқаролик иши янгидан суд мажлисида кўриш учун Урганч шаҳар судига юборилсин. Протест қаноатлантирилсин.

С.Бердиқиличов,  
Вилоят суди раёсатиди  
раислик этувчи,  
вилоят судининг раиси.

Вилоят суди раёсатининг ушбу қарори изохсиз ҳам тушунарли деб ўйлаймиз.

Проккурор протестидан сўнг суднинг қарори ва ажрими бекор қилинди. Энди суд хатосини одил суд тузатиш, ҳақни ҳаққа, ноҳақни ноҳаққа ажратмоғи керак. Зеро, адолатли қонунларимиз талаби ҳам шу. Ана шунда шикоятларга, асаббазарликларга, сарсонгарчиликларга ўрин қолмайди.

Тўйхат ўрнида

Халқимиз инсон умрини оқар дарага қиёс қилади. Дорё ҳам эрта-ю кен тиним билмай шовул-лаб оқаверади. Унинг сувидан қанча-қанча қақраган дошту-далалар баҳра олиб, оламга ўзгача ғарой бахш этади.

Яхши инсон ҳам худди саҳий дараёдай соҳоватли бўлади. У ҳам меҳрга ташна юраклардан меҳрини, муҳтожлардан ёрдамини аямайди. Биз сизга умр йўли ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳуқуқшунослардан бири Гаффор ака Нурмухамедов ана шундай бағри дараё саҳий инсонлардан. У киши умрининг 30 йилдан кўпрогини суд-тизимига бағишлади.

Гаффор ака ҳаёт мактабини ўтаган инсон. У киши 1941 йили минглаб ўзбек йигитлари қатор фронтга жўнади. 1948 йилда она юрти Тошкентга қайтди. Сўнг ўзи орзу қилган юристик касбини эгаллаш истагида Тошкент юридик институтига кириб, уни 1953 йил тугатган, иш фаолиятини Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи муовинлигидан бошлади. 1954 йил Сирдарё туман суди раиси лавозимига ишга юборилди.

- Ана ўшандан сўнг, - деб эслайди Гаффор ака, - 32 йил чўл бағрида яшадим ва ишладим. Ўша пайтлар у ерларда ишлаш осон эмасди. Ҳозирги шарт-шароитлар йўқ эди. Аммо, тўғриси, чўлнинг содда, самимий кишиларини яхши қўриб қолдим. Ҳуқуқшунос сифатида уларнинг характерларини ўргандим. Турли касб-эгалари орасидан қўлаб ажойиб дўстлар орттирдим. Ҳозир ҳам кўллари билан тўй-томшоқларда, байрамларда дайдор қўришиб туромиз. Ёшликда тоғниҳон дўст-қадрдонлар бошқача бўларкан. Аммо, йиллар ўтган сари уларнинг ҳам сафи қамайиб борар экан. «Умр ўткинчилар», деганлари шу бўлса келарди.

Гаффор аканинг ҳалол меҳнати зое кетмади. У киши «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» деган фахри унвонга сазовор бўлди. Бу ҳақгўй судьянинг меҳнатига берилган муносиб баҳо эди. Шогирдлари ҳам устозлари ҳақида меҳр билан давраларда «Гаффор ака қалбида қуёши бор инсон»

деб гапиришоди. Устоз учун бундай гапларни эшитишнинг ўзи катта бахт.

Халқимиз устозни бағбонга қиёс қилади. Устоз учун бу оламда шогирдининг қамолтини кўришдан тўхсакроқ бахт бўлмаса керак.

Шогирдлар ҳақида сўз кетса Гаффор аканинг дили яйрайди. Уларнинг қай бирини айтсан. Соҳринбек Турсунов Самарқанд вилояти суди раиси, Ҳасан Йўлдошев



# ҚАЛБИДА ҚУЁШИ БОР ИНСОН

Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи, Анорбой Бобобеков эса Зомин туман суди раиси. Яна қанча шогирдлари бор. Улар ҳам вақт топди дегунча устозлари ёнига келиб, дилдан сўхбатлашишди.

Гаффор ака ҳам шогирдлари даврасида бўлганида «қонунни қурол қилиб, ҳақ сўзни айтган судьяни халқ ҳам, Яратган ҳам қўллайдди», деб қўп такрорлайди. Устоз ўғитини қалбига қолдириб шогирдлари ҳам қам бўлаётгани йўқ. Энг қувончлиси, бугунги кунда улар ҳам ўз устозларидек адолат таразисини маҳкам тутган, элнинг назаридоғи инсонлар.

- Ишлайдиган замон келди, - дейди Гаффор ака биз билан сўхбатда. - Биз ишлаган даврда ҳамма кўрсатмалар Москвадан келарди. Судьялар эркин ишлай олмади. Энг ачинарлиси, биз собиқ Марказдан тайёрланган

қонунлар билан ишлардик. Қонунлар ҳам ўша замон мафқурасига бўйсунарди. Мустақилликдан сўнг юртимизда жохон андозаларига жавоб берадиган қонунлар қабул қилинмоқда. Энг қувончлиси, янги қонун лойиҳалари матбуотда эълон қилиниб, халқ муҳокамасига қўйилмоқда. Мен буни мустақиллик берган бахт деб биламан.

Гаффор ака Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган қонунлар ҳақида ички бир фахр билан сўз юратади.

Гаффор ака бахтли инсон. Бугунги кунда 3 нафар фарзанд, 8 нафар неварою, 2 нафар эваранинг бағрида қариллик гаштини сурмоқда.

- Оқил фарзандларни воёга етказсанг, эл-юртдан раҳмат эшитсан, - дейди Гаффор ака. - Бунинг учун ҳар қандай шароитда

ота-она фарзанди тарбияси учун вақт ажратиши керак. Мен фарзанд тарбиясида В.Гоголнинг «Болани бахтли қиламан деб, уни гўдақликдан эрқалатиб-талтайтириш ақлдан эмас» деган сўзларига амал қилиб яшадим. Шу сабаб бўлса керак, фарзандларимдан кўнгли тўқ. Улар ҳаётда ўз ўрнини топаган. Қизим Раъно темирйўлчилар шифохонасида бўлим мудири, ўғлим Шўҳратнинг касби муҳандислик, у ҳозир хоризжда ишляпти. Бахтиёр эса Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсата-япти. Шундан қувонаманки, фарзандларим мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўлида баҳоли қудрат хизмат қиляптилар. Инсон учун бундан ортқ қувонч бўлиши мумкинми?

Бугун отахон юрист Гаффор аканинг хонадонида катта тўй, фарзандлари, шогирдлари, ҳамкасблари, неваро-ю эваралари у кишини 75 ёшлик юбилеи билан қўлаб, бағриларига босмоқда. Биз ҳам отахонни қўлуг ўши билан чин дилдан қўлаб, шогирд ва фарзандларингиз бахтига доимо соғомон бўлинг, деймиз.

**Зайиниддин МАМАДАЛИЕВ,**  
**«Ҳуқук» муҳбири.**  
Суратда: Ф.Нурмухамедов оила аъзолари даврасида.

## ЮРИДИК МАСЛАҲАТХОНА

*Агар мен суднинг ҳукми билан белгиланган жазодан норози бўлиб юқори судга мурожаат қилсам бундан ҳам оғирроқ жазо белгиланмайми?*

**А.Икромов,**  
Кўкон шаҳри.

Йўқ. Агар сиз суднинг ҳукми билан белгиланган жазодан норози бўлиб шикоят берсангиз, жиноят ишини кассация ёки назорат тартибидо кўриб чиқиш вақтида жазони кучайтиришга оид, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонун моддалари қўлланмайди.

*Фамилия ва исми ўзгартирилса бўладики, агар мумкин бўлса қандай қилиб?*

**З.Уроқов,**  
Қашқадарё вилояти.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ фамилия ва исми ўзгартиришга руҳсат берилади. Фақат 18 ёшга тўлгандан сўнггина бунга йўл қўйилади. Бунинг учун сиз фамилия ва исми ўзгартириш тўғрисида ариза билан турор жойингиздаги фуқаролик ҳолати ақталарини ёзиш бўлими(бюроси)га мурожаат этишингиз керак. ФХДБ бўлими мурожаатингизнинг сабабларини ўрганиб чиқиб, илтимосингизни қондириши ёки род этиши мумкин.

*Нотариал идоралари давлат бюджетидан ташқари яна қўшимча ҳақ олишлари мумкинми?*

**С.Орипов,**  
Наманган вилояти.

«Нотариал тўғрисида»ги қонунга мувофиқ давлат бюджетидан ташқари техник тусдаги қўшимча хизматлар учун ҳақ ундиришлари мумкин.

Афсус!..

# КўНГЛИ ТОШГА АЙЛАНГАНДА...

**Х** аётта муҳаббат, келажакка умид, атрофдаги одамларга меҳр-шафқат инсон бодасининг кўнглини бамисоли баҳор офтобидек илтиб, унда згулик чечакларини беғубор туйғуларини ундиради ва аянатади.

Ўзидан ва ўзгалардан норозилик, нафрат эса кўнглини тошга айлантиради. Тош қотган кўнглидан тоза чечаклар эмас, балки, алам ва ғазоб тиканаклари унади ва заҳарли тиғи билан бошқа кўнглиларни жароҳатлайди. Қабих жиноятларнинг рўй беришига олиб келади.

Қўйидаги лавҳаларда бағришоша айланган қимсаларнинг қилмиши ва қидирмишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

## ЁМОННИНГ КУЧИ... КУЧУККА....

**С** инглиси Дилфузанинг эрта тонгдаги «товуқларингизни кучуқлар еб қўйибди», деган ноҳуш хабари муқоддам уч марта судланган, 37 йиллик умрининг 8,5 йилини қамоқда ўтказган ва бир йил муқаддам озодликка чиққан Абдурашид

нинг қонини қайнатиб юборди. У болтани кўтариб чиқиб, ҳеч норсани суриштир-масдан бир ҳовлида яшайдиган акаси Ғайратнинг кучуги ва зотли итини шэфқатсизлик билан қолиб, нимталаб, Зомин тоғларининг зилот суви оқаётган ориққа оқизиб юборди. Сўнг янгаси Максуда Шароповага дағдага қилди.

Унинг қилмишларини ҳадиқ, кўркүв билан дераза оша кузатиб турган оила аъзоларининг, ёш болаларнинг руҳий ҳолатига парво ҳам қилмади.

Ўзининг эътирофича, «аламини босиш учун» йўқлаб келган бир жўраси-ю қайнотаси билан баҳам кўрилган икки ишича вино Абдурашиднинг дардини енгиллатиш ўрнига, эски-ю янги жароҳатларини қайта тирнади. Ўзининг кўргуликларига айбдордек, синглиси Дилфузани суяқоёқликда айблаб қалтаклади.

Бу билан ҳам завасиси босилмайди. Энди акаси Ғайратга ғазабини сочади. «Сени ҳам кучуқлардай қолиб ташлайман», деб болта кўтариб келади. Уни судраб кекса, касалманд отаси Шароф Хасанов ётган хонага киритишади. Отасини ҳам турткилаб, «сен ота-болани ўлдирмаман», дея дағдага қилади. Янгаси Максуда ажратмоқчи бўлганда, унинг ҳам томоғидан бўғиб, ҳақоратлайди, фақат, бошқа бир янгаси - Насиба келиб зўрга ажратиб олади. Ички ишлар бўлими ходими Қосим Раҳмонов ва фуқаро Шукрулло

Ҳудойбердиевнинг ўз вақтида етиб келгани туфайли юз бериши мумкин бўлган фожеанинг олди олинади. Абдурашид ҳамон қўлида ўйнатиб турган болта тартиб олиноди ва унинг ўзи ички ишлар бўлимига олиб кетилади. Жиззах вилояти судининг Зомин туманида ўтказилган ошқ суд мажлисида отаси, акаси, янгасини кучуқдай қолиб ташлашга қасд қилган, мажруҳ ва қаровсиз отасини ҳақорат қилган «қаҳрамон»нинг қилмиши одилона баҳолалиб, ўн олти йилга озодликдан маҳрум этилди.

## ҚОТИЛ ОТА

**Ж** иззах туманининг маркази - Учтепа даҳасининг Пахтакор кўчасида истикомат қилган Уринбой Мансуров 1965 йилда туғилган, оилали, ўн нафар фарзанднинг отаси. 1986 йилда Раҳима исмли аёл билан турмуш қурган. Битта ўғил қурган. Бирок, турмуши бузилган. Хотини нопок йўлга кириб кетган ва суд ҳукми билан қамалган. Уғли Ҳаёт эса хотинини онаси Саломат Мирзоевнинг қарамлигида қолади.

Шундан сўнг У.Мансуров Қаромат исмли аёлга ўйланиб, 3 нафар фарзанд кўради. Бу орода ўғли Ҳаёт тўққиз ёшга киради. Уринбойнинг «ўғлим катта бўлиб қолди, хатна қидираман, мактабга

бераман», деган ваздасига ишонган қайнабаси болани отасининг қарамлигига жўнатади.

Собиқ қайниси Суннат Мирзаев жиянини олиб келиб, отасига топширади.

Ота эса дастлабки кундонан ўғлини қалтак ва ҳақоратлар билан «қойта тарбиялашга» киришади. Сурункали шэфқатсиз тарбия уч ой давом этади. Боланинг қаршилик қилишга кучи, арз қилишга ақли етмай, дардини ичига ютиб, қалб ва тан жароҳатлари исқанжасида ҳолдан кета бошлайди. 1996 йилнинг 7 март куни ота ўғлини мактаб ёнидаги чорбоғда тутиб олиб, аямасдан теподи, ўласи қилиб қалтаклайди. Ҳатто, орага тушган хотини Қароматни ҳам тепиб тан жароҳати етказоди.

Икки кундан сўнг Ҳаётнинг аҳволи агирлашиб, юрлолмай қолади, оқибатда 12 март куни бутунлай ҳолсизланиб, қалажон ҳолига етгач, илжосиз шифохонга ётқизилади, вақти ўтиб кўрсатилган тиббий ёрдамнинг нафи бўлмайди, бола вафот этади.

Тиббий экспертиза Уринбой Мансуров ўз ўғлини бағришошлик билан кўп марта қалтаклаб, тепиб, қўлаб тан жароҳати етказганлигини аниқлади.

Суд ҳайъати Уринбой Мансуровнинг ўғлига етказган жароҳатларини қасддан ўлдирishi мақсадидо қилинган хатти-ҳаракатлар, деб белгилади ва қўлини мушдай боланинг қонига бўяган отани 20 йил озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чикорди.

**Неъмат ИСЛОМОВ,**  
Жиззах вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари.  
Бахтиёр РИЗАЕВ.

Аёл - жамият кўрки

# МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Мустақил мамлакатимиз Президентимиз 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши туманимиз хотин-қизлар кўмитаси олдида бир қатор вазифалар кўйди.

Ил бошидан кенг жамоатчиликка таянган ҳолда деҳқон-фермер хўжалиқларида, саноат корхоналарида, билим масканларида, маданият ўқуқларида, аҳоли яшаш жойларида «Оила - муқаддас Ватан», «Оила - мамлакат таянчи», «Аёл, оила ва ҳуқуқ», «Аёл борки, олам муновар», «Бизнинг оила», «Ватан оиладан бошланади» каби мавзуларда кизкарли урғулар, суҳбат ва баҳс-мунозаралар, кўрик-танловлар ўтказишга киришдик. Бундай ҳайрият ишда тумандаги «Нуроний», «Махалла», «Экспан» ва «Камолот» жамғармалари билан тизим ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда.

Туманимизда жами 56134 нафар аёл-қизистикомат қилишди, улардан 29450 нафари халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қиладилар, 2654 нафари уй бекаларидир.

Туманимизда ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этувчи қишлоқ хўжалик соҳасида аёл-қизларнинг салмоғи жуда баланд. Улар қишлоқ хўжалиқда ишловларни рўйга чиқаришда олдинги сафда бормоқдалар. 210 нафар аёл-қиз фермер, 29 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиди, 5 та ҳусусий фирмани аёллар бошқаради, 7 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида, 10 дан ортиқ раҳбар лавозимларида ишлашди.

Аёлнинг оиладаги ўрни, жамиятдаги мавқеи, биринчи гафда фарзанд тарбиясидаги бурчи ҳақида жойларда кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги ижобий самара бермоқда. Маҳаллаларда оила тинчлигини таъминлаш, уни мустаҳкамлаш борасида кўпчилик оқсоқоллар, хурматга лойиқ онахонлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилляпти. «Энг намунали келинчақ» кўрик-танлови эса ёш оилаларда тотувликни қарор топтиришга хизмат қилаётганлиги қувончли ҳолидир. Босқичма-босқич ўтказилган бу тадбирда кўпалаб ибратли келинчақлар иштирок эттишти. Яқунловчи Босқичда 12 нафар эғил, удрабурон, оқила, билимдан келинлар куч синашдилар. Бўстон шаҳор 2-маҳаллада яшовчи Райхон Раҳметова ва «Элтекс» тўқимачилик хиссадорлик жамияти ишчиси Мухаббат Дўсановалар кўрик-танловнинг қўлини қўйди. Улар Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган кўрик-танловда иштирок эттиб, фахрли ўринни эгаллаб қайтишди.

Туманимизда «Қизларни турмуш қуришга тайёрлаш» борасида ма-

хус дастур ишлаб чиқилди. Бу асосида малакали врачлар, маҳаллаларда баобуру онахонлар, тегишли мутахассислар иштирокида уй тўтиш, рўзгор юритиш, гигиена сабоқлари олиб боришмоқда.

«Аёл, оила ва ҳуқуқ» мавзусида ўтказилган тадбирларда оилалар бузилишининг олдини олиш, ота ва она масъулияти, фарзанд тарбиясидаги бурч сингадиган фазилатларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ҳуқуқ-тартибат идораларининг ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган бундай тадбирлар ижобий самара бермоқда. Аёл-қизлар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик кескин қаммоқда. Утган йили 6 та ана шундай ҳолат оникланди.

Кўп болали, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар, яққа-ёғли яшовчи фуқароларга доимо диққат-марказда бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олиб турилибди. Жами 4926 та кўп болали, 391 та ёрдамга муҳтож 295 та ногирон боласи бор оилалар, 39 та ёғли оналар, 73 нафар етим болалар, 104 нафар яққа-ёғли яшовчи фуқароларга қамхўрликлар

Оиланинг мустаҳкамлиги, ризмасибоси энг аввало аёлнинг зиммасида. Аёлнинг эрига, фарзандларига бўлган меҳри босқич нарсаларга қараганда буюк ва чуқурроқдир. Афсуски, бу фазилат кейинги даврда бироз сусайганга ўхшайди меннинг назаримда. Бозор иқтисодини рўқча қилиб, айрим аёлларимиз оналик бурчини, бекалик вазифасини унутиб қўйишди. Тижорат иши билан шуғулланган, деб оғир юкларни кўтариб шаҳорма-шаҳор, хатто Россия ва бошқа давлатларга қатнамоқдалар. Ойлаб, йиллаб уйига келмасдан юрган айрим

аёлларимиз манъовий ва ахлоқий бузуқликларга қўл уришмоқда. Натигада оила барбод бўлиш ҳолати кишини ташвишлантиради.



Оила - муқаддас даргоҳи, уни авайлаб-асраш, мустаҳкамлаш ҳар бир қишлоқнинг инсоний бурчи, виждоний вазифасидир. Оилавий ҳаёт муаммоси, оила аъзолари ўртасидаги муносабат, фарзандлар тарбияси - давлат аҳамиятига молик масала. Ўртбошимизнинг ташаббуси билан 1998 йилнинг оила йили деб эълон қилиниши ана шу масаланинг ҳал этилишини кафолатлашга қаратилган муҳим омили бўлди.

Қорақалпоғистон республикасининг Эллиққалъа туманида ҳам бу борада ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Туманда ўтган йили 1045 та оила қурилди, 38 та никоҳ бекор қилинди, 4926 та кўп болали оилалар, 391 та ёрдамга муҳтож оилалар, 5273 та кам таъминланган оилалар оғлиққа олиниб, моддий ёрдам берилмоқда.

Утган йили туман суди томонидан Г.исмли ана шундай аёлнинг никоҳи бекор қилинди. Судда аниқланган ҳолатларга қараганда, аёл ўзининг иккита боласини ногирон эрига ташлаб, тижорат ишлари билан шуғуллана бошлаган. Аввалига ҳафталаб уйда бўлмаган, кейинчалик бу ҳол ойлаб, йиллаб давом этган. Оқибатда бошқа бир оилани бузиб, эрига чиқиб олган. Ун тўққиз йил бира яшаган эрини, икки нарасида фарзандини ташлаб, оиласидан воз кечган бундай аёлда «оила муқаддас, уни асрамоқ лозим» деган тушунчанинг ўзи йўқлигидан афсуслансан, киши.

Ҳа, оила муқаддас даргоҳ. Уни ҳар ким авайлаб-асраши, мустаҳкамлаб бориши лозим.

Қумри КАРИМБЕРДИЕВА,  
Туман ҳокими муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Тотувлик пойдевори

Туманимизнинг кўриқ мавзесига жойлашган овулимизда 991 оила бўлиб, уларда 5500 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Овулимиз ҳудудида 8 та аҳоли пункти бўлиб, 4 та мактаб, 1 та қишлоқ касалхонаси, 5 та дўкон 2 та ҳамма, 2 та амбулатория, 2 та сартарошхона, маший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ишлаб турибди.

Аҳолининг 60 фоизи табиий газ билан таъминланди, хонадонлар ичимлик суви билан таъминланган, 80 фоиз ички йўллар асфальт қилинган.

Овулимиз ҳудудида ўтган йили 37 та, шу йилнинг биринчи чорағида эса, 11 та оила қурилди. Кейинги бир ярим йил мобайнида никоҳни бекор қилиш ҳоллари учрамади. Оилаларнинг тинч-тотувлигини таъминлаш, тўйларнинг замонавий, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймасдан ўтказиш учун масъул комиссия фаолият кўрсатмоқда.

# МАҲАЛЛА ТАЯНЧИ

Қишлоқда оиланинг асосий даромади томорқадан келади. Шунинг ҳисобига олган ҳолда ҳар бир хонадоннинг томорқа ерларини 35-40 сотихга етказишга эътибор қаратилмоқда. Утган йили 12 та эрига шахсий уй-жой қурилиши учун ер ўлчашкаси ажратилди, 30 та оилага қўшимча томорқа учун ер берилди.

Овулимиз ҳудудида 279 та кўп болали, 158 та кам даромадли оила мавжуд бўлиб, уларга доимий қамхўрлик кўрсатилмоқда. Маҳаллаларда оила тотувлигини таъминлаш мақсадида «Энг яхши хонадон», «Энг яхши қўча», «Энг яхши маҳалла» кўрик - танловларини ўтказдик. Боғбон Сафо Болтаев, нафақахўр Қаримбой Матқаримов, Улуғ Ватан уриши қатнашчиси Ойсуповларнинг оилалари ибрат қилиб кўрсатишга арзийди.

Овулимизда оқсоқоллар кенгаши жуда яхши фаолият кўрсатмоқда. Мўйсафид отахонларнинг насихатларини кўпчилик оилаларнинг тотувлигига сабаб бўлмоқда. Овулимизда юз ва ундан катта ёшдаги 5 нафар, 90 ёшгача 16 нафар киши истиқомат қилаётганлигининг ўзи ҳам ёшларга намуна бўлмоқда. Маҳаллаларда тартибсизлик ҳолатларига йўл қўйилмаяпти. Кексаларнинг ўғит-насихатларига қулоқ тутиб, иш кўраётганлигимиз босиб бунга эришяпти.

Алия РАҲАПОВА,  
«Гулистон» овули фуқаролар йиғини раиси

Суд ҳукмидан кейинги ўйлар

# ОИЛА МАСЪУЛИЯТИ

# эркакка ҳам, аёлга ҳам бирдай тенгдир

Оқибатда, эр-хотин ўртасидаги никоҳ бекор қилинди. Уртада 3 йашар Роза исмли қизча тирик етим бўлиб қолди.

Табият инсонга инъом этган энг буюк неъмат борки, бу фарзанд тарбиялаш бахтидир. Ана шу бахтни оёқ ости қилаётганлари кўриб, кишининг дили ўқийди. Эри муттасил равишда спиртли ичимлик истеъмол қилишни одат қилиб, рўзгор юмушларига, оила ташвишларига қарамай қўяганлиги босиб, Б.исмли аёл эри С. билан бўлган никоҳни бекор қилишни сураб бизга мурожаат қилди. Оила муҳити синчилаб ўрганилганда, отанинг қилиқларига фарзандлар тарбиясида салбий таъсир қилаётганлиги аниқланди. Уйда бор бўлган мол-мулкни сотиб, иш бошлаган отанинг оила олдиданги масъулияти, фарзандлар тарбияси учун жоғабарлиги ҳақида қолди?

Бу оилани сақлаб қолишга суд ходимларининг, маҳалла оқсоқолларининг панд-насихатлари қор қилимади. Оқибатда оила барбод бўлди. Уртада 4 нафар фарзанд тирик етим бўлиб қолди. Шу ўринда ўзим аёл сифатида шунинг таъдилламоқчиманки, рўзгорда ҳаёт ҳамма вақт ҳам бир текис, кам-кўстис бўлавермайди.

Ташқаридан бўладиган айрим таъсирларга жуда берилмасдан, аёл киши сабри, бардошли бўлиши керак, деб ўйлайман.

Айрим ҳолатларда аёлларга нисбатан эрларнинг ўта қўпол муносабатда бўлиши, муштумзўрлик қилиши оқибатда ҳам оилалар бузилмоқда. Эрининг зўғумига чидамасдан, жиноят йўлига кириб кетаётган аёллар ҳам учрайди.

Эри - умидларин топталган Г.исмли келиннинг ҳасратларига сиз ҳам қулоқ тутинг: «Ўқимиди оилага келин бўлиб тушганимдан қувончим ичгимас эди. Қайнонам ҳам, қайнатам ҳам оқорган яхши танийдиган, оилада қўнлилик олий мазлумоти эди. Афсуски, қувончим узоққа чўзилмади. Уилдларим сароғига айлана бошладим. Рўзгор юмушлари, ишонганинг ташвишлари билан бўлиб, ўзимга ҳам яхшироқ қарай оймайдим. Ишдан келишим дағуна, қозон-уяқ бошида бўлган. Қайнонам бўлса, Билимаганларимни ўргатиш ўрнига таъна-дошномлар қилади, пиширган овқатимга гап топиб, ёмай қўяди. Қайнонамнинг бундай

муносабатини кўрган қайсингилларим ҳам менга озор бера бошладилар. Ору-хавос билан бир ёстиқча бош қўйган турмуш ўртоғим эса менга дағда бериш, сабр-бардошли бўлишга чакирши ўрнига, уриб-сўқар, дилимни ранжитар эди. Эракки киши эракча сўз айтиб, ҳар икки томонга муносаб бўлиши керакки, ахир?! Қўли-чиди гаплар қўлайиб, оиламиз дарз кетди. Ҳа, ота-онанимникига 4-5 ойда бир марта боришгани шорт қилиб қўйишди. Ахир, меннинг ота-онамда нима айб? Мени ўстириб, олий маълумотли қилишганими? Билмадим. Мен кўп уриндим, қайнона, қайнатанинг хурматини жойига қўйиб, муносабатини бузмасликка ҳаракат қилдим. Яхши яшаб кетишимизга улик қилдим, бўлмасди. Ҳазир ота-онанимнинг уйдиманам.

Тўғри, оилавий ҳаётида бировағ андоза бериш жуда мушкул иш. Лекин бу вазиятда қувё ҳам оиласи тинчлиги учун озгина ҳаракат қилганида, турмуш ўртоғини сабр-бардошли бўлишга ундаб, яхши яшаб кетишларига ишонтирганида балки, оила сақлаб қолинирми?

Шукуржон РАҲАПОВА,  
туман суди раиси.

Саҳифани А.ОРТИҚБОВ тайёрлади.

Ўзгараётган фикр

Озодлик. Нақадар ширин сўз бу. Бунинг қанчалик улуг неъмат эканлигини ундан маҳрум бўлганлар теранроқ англайдилар. Яқинда қазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётган маҳкумлар ўртасида «Оила ва жамият» мавзусида мулоқот ўтказилди. Мулоқотда улар ўзларининг оила ва жамият қадрига етмаганлигидан пушаймон эканлигини минг афсус билан изҳор этишди. Дарҳақиқат, оила жамиятнинг қалби десак адашмаймиз. Жамият баркамол бўлмоғи учун оила мустақкам бўлиши лозим. Бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хўш, бу ҳақда оиладан, жамиятдан ажралиб яшаётган маҳкумлар қандай фикр билдиришади. Келинг, яхшиси, маҳкумлар ва уларнинг ёр-биродарларининг мулоҳазаларини эшитайлик. Биз уларнинг манзили, исмини айтмаймиз.

- Жамият фақат ҳалол меҳнат эвазига бойир экан. Фақат ўзининг тор манфаатини эмас, ватан ва халқ манфаатини ўйлаб яшаш лозимлигини англадим. Биз, нодонлар, жамиятни асраш, бойитиш ўрнига унинг бойлигига кўз олайтирдик. Отага тик боқма, имонингни сақла, дейдилар. Бу бурҳонлик сўзларни жамиятга нисбатан ҳам қўлласа бўлади.

- Кишининг мақсади - унинг бурчи билан уйғун бўлиши керак экан. Қонунни билмаганлигим, ўзгалар шаънини ҳурмат қилмаганлигим учун бу ерданман. Оиламга қайтсам, ўз бурчимни адо этмаман.

- Меҳр-муҳаббат оилода шаклланади. Оиламиз ёмон эмас эди, ниманингдир таъсирига берилдим, мен қаттиқ янглишдим. Қонунсиз фаровонликка эришаман, деб оилани кийинчиликка дучор қилдим. Мен туфайли оилам изтиробда. Қари отамнинг гамгин қиёфаси, онамнинг маънос чехраси кўз ўнгимдан кетмайди. Озодликка чиқсам, фақат тўғри ва ҳалол яшайман.

- Тахт ҳам, бахт ҳам оила экан. Оилани асраш керак. Ёлғончилик, чақимчиликдан қочиб, имонли бўлиш зарур экан.

- Менинг ҳолимга тушмаслик учун қонунга бўйсуниб яшаш керак. Қандай ҳуқуқларим борлигини билмаслик оқибатида ёмон йўللарга кириб кетдим. Ҳуқуқий тарбияни оиладан бошлаш керак экан.

- Оилам олдидаги бурчимни англаб етмадим. Менинг жабримдан турмуш ўртоғим ўз жонига қасд қилди. Ёмон бўлди. Оила шаънини юқори кўтариш, уни таъминлаш учун касб-хунарни бўлиш, маънавий жиҳатдан баркамоллик талаб этилар экан. Нима қилиб қўйганимни энди оқлим етаяпти. Ака-укаларимни кўп ташвишга қўйдим.

- Мен бахтимдан ажралдим. Бахт деганда соғлиқни, бойлиқни оилани тушунаман. Ҳар куни оила аъзоларини ўйлайман, балки уларнинг ҳам кўз ўнгидан ўтаётганлигини.

- Ота-бона қамалдик. Онам «отангдан ўрган, рўзгорбор, дегандилар, - тогганини уйга олиб келади. Мен ҳам буй етиб, ишдан у-бу нарса ташвишга ўргандим. Отам қўлга тушди. Уйимиз тинтув қилинди, менинг ҳам жиноятим очилди қолди. Отам гўшт комбинатида, мен хотам фер-

нинг бошига бундай кун тушмасин.

- Ўғлимдан хат олдим. Қуръонни ўқийман, инглиз тилида сўзлаша оламан, деб ёзибди. Мен хурсанд бўлдим. Аммо, менинг бу номаъқулчилигим ҳеч қилибга сиймайди.

- Жамият оилалардан ташкил топади. Оила устун эса - аёл. Уни эъзозлашимиз ке-

дасиз эшик, падарсиз уй бўлмайди. Менсиз уларнинг ҳоли не кечди экан?

- Ўғил уйлантиришим керак эди. Мен эса бу ерданман. Отаси қамалган, деб ўғлимга ҳеч ким қизини бермайди. Эй фалак, нималар қилиб қўйдим?!

- Бола оқ қоғоз қабидир. Турмуш унга ўз хотини бита бошлайди. Хориждан кўплаб жисмоний ва маънавий касалликлар кириб келаяпти. Уларга қарши эмлаш керак. Эмлаш иймон-этиқод билан бўлади. Иймонли кишига касаллик юкмайди.

- Тезроқ бойлик орттириш илинжида баъзилар қинғир йўллارга кириб кетаётир.

- Мустиқил давлатимизнинг, тинчликнинг қадрига етмадим. 15 йилга қамалдим. Менинг куним ўтиб турибди. Уйдагиларнинг ҳолини ўйлайман. Онаизорим қазо қилганларида бошида туролмаганимни ўйласам, виждоним қийналади. Не қийинчиликлар билан менсиз ўғлим уйланапти. Қизим турмушга чиқаяпти. Уларга ёруғ юз билан оқ фотиҳа бериш ҳам насиб қилмаган экан.

- 9 йилга қамалганман. Ота хароратини ҳис қилмаганман. Фақат безорилик қилиб юрганман. Бу ерда дуродгорликни ўргандим. Асли, бобомнинг хунари ҳам шу бўлган. Пешона терим билан тогган пулимни уйга юбораман. Яхши ишласанг, жамоат ишига қатнашсанг муддат қисқаради. Қонунни тушунтиришяпти, тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган.

- Менга бурч тушунчаси қулгили бир сўз бўлиб туюларди. Бу ердаги тартиб-қоида менинг фикримни ўзгартирди. Кўп нарсага ақлим етадиган бўлди. Хатоимни тушунуб етдим. Икки марта судланганман. Афсус, бошқа жойда шундай панду насихатлар эшитганимда яна қайта жиноят қилмаган бўлардим. Умримни беҳуда ўтказганимни, кишиларга ўринсиз жабр қилганимни энди тушуниб турибман.

- Менинг жамиятга ёрдамим тегмади. Мана, 20 йилдирки озодлик нашидасидан маҳрумман. Мени ҳеч ким тўғри йўлга бошламаган. Яқинларим ҳаётдан ўтиб бўлди. Умримни беҳуда ўтказганимни энди англаб турибман.

- 30 ёшданман. Икки нафар фарзандим бор, олти маротаба судланганман. Бахт, тинчлик, бурч баландпарвоз сўзлар, шунчаки ҳавойи гаплар, деб ўйлардим. Ичкиликка берилиб, жиноят оламга кириб қолдим. Ўзимни-ўзим кечиролмайман.

- Бир ривоят ўқигандим. Қози ўғрининг қўлини чапишга буюрибди. Ҳуноҳорнинг уч нафар фарзанди бор экан. Бир қизалоғи қозининг олдига бориб, отамнинг қўли ўрнига, менинг қўлини кесинг,

деб ёлворибди. Мен ҳеч кимни боқмайман. Отам фарзандларини боқиши керак. Қўлсиз қандай боқадим? Қози қизчанинг отасини овф этибди. Жигарбандининг илтижосини кузатиб турган ота, ўз хатосини тушунибди. Ҳеч бўлмаса фарзандларимизни ўйлаб жиноят қилмайлик.

- Лаҳзалик роҳат, деб ҳаммасини барбод қилдим. Оиламга қийин бўлди. Энди минг пушаймонман.

- 42 ёшга кирдим. 24 ёшимдан буён қамоқдаман. Инсондек яшамасам. Аёл, фарзанд нима эканлигини билмайман. Эртароқ озодликка чиқсам эди, хатоимни ҳеч такрорламас эдим. Умрим шундай ўтиб кетмаса эди.

Маҳкумларнинг фикрларини эшитиб чиқар эканмиз, уларни кўриш учун келган ота-она, ёр-биродарларининг ҳам бу борадаги мулоҳазалари билан қизиқдик.

- Тўй қилдик. Учқунжоннинг ўрни билиниб турди. Оғайниларнинг юзларига қарай олмадим. Учқун қани, дейишса нима деб жавоб бераман, дея саросимада эдим. Ўғлим хато қилди, лекин хатосини англаб етди. Иккинчи такрорламайди.

Менинг ҳам келин олгим келади. Унинг болаларини кўргим келади. Ўғлим ҳам одамлардек тўйларда юрсин, сўмалак қовласин, ўчоққа олов ёқсин, дея ният қиламан.

- Мен ҳам онаман. Бу ердаги тартибни кўриб, хурсанд бўлдим. Ўзим ҳамшираман. 12 фарзандни тарбиялаганман. Биттаси шундай чиқиб қолди. Бу ердаги тартиб-интизом, тарбиявий ишлар учун бош эгшига тайёрман. Ўғлимизга биз беролмаган тарбияни беришадиганларидан хурсандимиз. Ўғлимнинг бу ердан яхши одам бўлиб чиқишига ишончим қомил.

- Раҳмат сизларга. Ҳамма жой тоза ва озода экан.

- Мен Онаман. Ўғлим қандайдир йўлдан адашди. Энди хатосини тушуниб етибди. Маҳкумларга шундай шароит яратиб берган, уларни астойдил қайта тарбиялашга ҳаракат қилаётган мутасадди ходимларга минг раҳмат.

Сўнги сўз

Азиз газетхон! Мана, озодликка муштоқ маҳкумлар ва уларнинг ота-оналари, ёру биродарларининг фикр мулоҳазалари билан танишдингиз. Қонунни лангар билган дорда ҳам оғмасдан юради. Ҳеч кимни қамоққа тушугулик қилмасин. Маҳкумларнинг сўнги пушаймонлари ўзлари учун фойдасиз бўлса-да, лекин бошқалар учун сабақ бўлади, деб ўйлаймиз. Хўшёр бўлинг, азиз инсонлар! Озодликнинг, жамиятнинг, оиланинг қадрига етиб юринг. Бир марта берилмаган ширин ҳаётингизга оғу тушмасин.

Д. МАДИЕВ, ҳуқуқшунос.

М. ЭРМАТОВ, ҳуқуқшунос.



масида ишлаётгандим. Ёглик жой, деб...

- От ўрнини той босади, дейишади. Отасининг изидан бориб, шон-шўҳрёт топаётганларни биламиз. Қодир баҳши дунёдан ўтди, лекин унинг дostonлари қолди. Фарзандлари ундан фахрланиб, ота ишларини давом эттираяпти. Қандай бахт. Мен нега шундайлар қаторига қўшила олмадим. Ўғирлик қилиб, юзим шувут бўлиб бу ерларда ўтирибман. Фарзандларимнинг тақдирини не кечадим? Ўзганинг моли ҳеч қачон ҳеч кимга буюрмаслигини, афсуски, кеч тушуниб етдим.

- Онам мени жаллод қилиб туғмаган-ку. Қинғир йўлларида юрганам учун озодликдан маҳрум этилдим. Онам оғир ётганларида ёнларида бўлолмадим. Розиман, деган сўзларини эшитмадим. Қабрларига бир қисм тупроқ ташлаб олмадим. Энди йиғлашимдан фойда йўқ. Қамоқ йиллари ҳам ўтиб кетар. Аммо, умрбод виждон азобида қийналаман. Ҳеч ким-

рақ экан...

- Нашанинг балосидан мен бу ерда ўтирибман. Қилган ишларимдан пушаймонман. Бу ердаги тартиб-интизомга кўникиб қолдик. Оқ-қорани ажратадиган бўлдик. Хунар ўргандик. Гиламчилик, кулолчилик...Озодликда мен бир қассоб эдим. Энди бинойдек қулло бўлиб ҳам олдим.

- Кўр кўзим очилди. Ким дўст, ким душман биланман. Киши бахтсизликда бахтининг қадрига етаркан. Менинг гуноҳимни кечиринглор. Менинг дастимдан отамнинг бели букилиб қолди. У кишига асо бўлолмадим.

- Ибратли оила деганда «Ўтган кунлар»даги Юсуфбек ҳожининг оиласини кўз ўнгимга вафосиз оила бўлмайди. Вафосизлик бўлса, оила инкирозга учрайди. Мен бунга ўз ҳаётимдан биланман...

- Оила қадрини энди тушунаман. Уйга борсанг, хотининг яшнаб қутиб олса, боланг бўйинига осилса. Пар-

## «Хавас-98»



Р. ШАРИПОВ фотоси.

## «ХАВАС» ДАН - МАҚСАДГА

Тошкентдаги «Динамо» теннис кортларида икки кун давом этган «Хавас» теннис турнири ўз олдига кўйган вазифани аъло даражада ундади. Учинчи марта ўтказилган аънавий бу мусобақа юртимизда теннис спортининг янада оммавийлашишига ҳисса бўлиб кўшилди. Бу мусобақада катнашган раҳбар ходимлар ўз иш жойларига теннисни янада ривожлантириш режаси ва ниятлари билан қайтган бўлсалар ажаб эмас.

Хал қилувчи баҳсда Отаев - Икромов жуплигига Усмонов - Гуломов жуплигига рўпара бўлди. Қизгин ўтган ўйинда Усмонов - Гуломов жуплиги ғалаба қозониб, «Хавас» кубогининг соҳиби бўлди.

**Суратда: «Хавас» теннис турнирида прокуратура тизимдан вақил бўлиб қатнашган Сардарё вилоят прокурори Ф. Раҳимовнинг ўйини ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирди.**

## Миллионлар севган ўйин

Жаҳоннинг миллионлаб футбол ишқибозлари интиқлик билан кутаётган футбол байрами бошланишига ҳам сонқли кунлар қолди. Хар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпиони бу йил Францияда бўлади. Ўзбекистонлик минглаб футбол ишқибозлари, клуб, миллий терма жамоамиз бу улкан байрамда катнашмасда-да, қайсидир бир жамоага тарафдор бўлишлари турган гап.

Бизнинг миллий жамоамиз ҳам шу байрамда қатнашиши мумкин эдимиз?

Бу савол ҳар бир спорт мухлиснинг юрагига армонга айланиб қолди, десак хато бўлмас.

Энди афсусланиб ўтиришга ҳаёт йўқ, аксинча, енг шимариб аввали обрўйимизни тиклаш учун астойдил ишга киришиш керак. Чунки, шу йилнинг декабрида Таиланда навбатдаги Осиё ўйинлари ўтказилади. Унда футболчиларимизга, биз Осиёнинг

Африканинг кучли жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказилса фақат наф келтиради.

Узоқни кўзлаган ҳолда, ҳар йили август ойининг охирида мамлакатимизда «Мустақиллик кубоги» ўйинлари ташкил этилса, унга 4-5 та кучли терма жамоа ва клублар таклиф қилинса нур устига нур бўларди.

Аммо Осиё ўйинлари чегара бўлиб қолмаслиги керак, чунки, 2000 йилда Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади, ҳаш-паш дегунча 4 йил ўтиб, китомизда навбатдаги жаҳон чемпионатига навбат келади.

Терма жамоамиз мураббийлари ва футболимиз раҳбарлари ўз мўлжалларини ҳозирданок ана шу мусобақаларга қаратишлари лозим. Бунинг учун айнан шу йилларда ёш ва тажрибаси тўри келиши мумкин бўлган номзодларнинг диораси аниқланиши, улар ўсирилар, ёшлар, олимпия ва миллий терма жамоаларида синналиши ва табианоти қатна-

ион ойдага туғаллаш керак. Шунда ҳам 7 ой футбол ўйналади. Июл-август ойлари мавсум оралиги ҳисобланиб, жазирма иссиқда футболчилар дам олишди. Шу икки ой давомида терма жамоамиз иккинчи салқин мамлакатларда ўртоқлик ўйинлари ўтказиб, кузга режалаштирилган халқаро мусобақаларга етарли даражада тайёргарлик қурди.

«Яна бир таклиф, бу олий ва 1-лига жамоалари сонини қисқартириш, бунинг ҳисобига 2-лигани ташкил этишдир.

Олий лигада 12-14 та суперклубнинг қатнашуви мақсадга мувофиқ-дир. Қимдир, биздан кичик ва аҳоли кўп давлатларда ҳам 16-20 тадан жамоа олий табақада ўйнайди, дейиши мумкин. Футболимиз ривожланиб, ҳар бир клубимиз иқтисодий жиҳатдан тўла оёққа туриб олган тақдирда бизда ҳам шунча клуб олий табақада қатна-

## ЯНА ЧЕМПИОН БУЛАМИЗМИ?..

## ФУТБОЛИМИЗ ҲАҚИДА ФИКР-МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФЛАР

энг кучли жамоаларидан бири эканлигини исботлаш инқонияти берилди.

Менинг назаримда Осиё ўйинларига тайёргарлик даврида ҳозирданок 35-40 нафар ўйинчидан иборат терма жамоа номзодлари аниқланиши ва уларнинг рўйхати мабуутда эълон қилиниши керак.

Терма жамоамизнинг мураббийлари танланган номзодларнинг ҳар бири учун алоҳида маҳоратини оширишга қаратилган режа ишлаб чиқиби, унинг бажарилишини футболчи иштирок этвётган клуб мураббийларига топширишлари ва ўзлари эса назорат қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида жамоамизнинг муҳим асосий таркиби шаклланмаганили ва кучли рақиблар билан халқаро ўртоқлик учрашувлари ўтказилмаганили пачд берганили ҳаммага маълум.

Шу сабабли мағлубиятдан чўчимасдан кучли терма жамоалар ва Европанинг суперклублари билан халқаро учрашувлар кўпроқ ўтказилиши керакки ўшайди. Масалан, Грузия, Украина, Россия, Исроил, Нигерия, Туркия терма жамоалари, шунингдек, иложи бўлса, жаҳон чемпионатида катнашмайдиган Европа ва

Масалан, мен эълон қилинган олий лига жамоалари таркибига назор солиб, 2004 йилда 23 ёшга тўладиган ва олимпия терма жамоасида катнашиши мумкин бўлган 31 футболчи борлигини кўрдим. Балким, уларнинг ҳаммаси ҳам қобилиятли ўйинчилар эмасдир, аммо шу ўйинчилар орасидан 2004 йилда олимпия терма жамоаси ўзганини ташкил этадиган 10-12 нафар футболчини танлаб шакллантириш мумкин-ку. Зеро, Республика Вазирлар Маҷмаасининг 1996 йил 17 январдаги футболни ривожлантириш ҳақидаги қарорининг асл мақсадларидан бири ҳам шундир.

Энди мамлакат чемпионатининг ташкилий жиҳатлари ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларимни қисқача баён қилаёқчиман. Албатта, олий лигада кўп сонли жамоаларнинг иштироки этиши спортни оммалаштириш ва иқтисодий футболчиларнинг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатади. Аммо, олий лигада фақат кучли профессионал клубларнинг қатнашуви мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда чемпионатни сентябр ойидан бошлаб, декабрь-февралда кишки таътил берилиб,

са бўлади. Биринчи лигада эса 16 та жамоани қолдириш керак ва ҳар йили 2 та жамоа алмаштирилиши мумкин. 2-лига мусобақаларини 3 та гуруҳда-шарқий (Фарғона водийси), марказий (Тошкент шаҳри, Тошкент, Сардарё ва Жиззах вилоятлари) ва жанубий-ғарбий (қолган минтақалар) гуруҳларда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бунда ҳар бир гуруҳда 14-16 тадан жамоа катнашиши мумкин. Масалан, Фарғона водийсининг «Нобҳор», «Нефтчи» ва «Андижон» жамоалари олий лигада, «Косонсой», «Атласчи», «Шаҳрихон», «Темирўйлич» клублари 1-лигада катнашган тақдирда ҳам 2-лигада шу кунгача қуйи табақада ўйнаган 7-8 та жамоа ва шу вилоятлардаги 6-7 та кучли жамоа иштирок этиши мумкин. Шундай қилинганда оёққа туриб олган, иқтисодий бақувват 40-50 та жамоа 2-лигада ўйнайди ва ҳар гуруҳ ғолиби 1-лигада ўтади. Учта табақадagi 90 га яқин жамоа ўртасида босқичма-босқич мамлакат кубоги ўйинлари ўтказилмайдиган бўлса, жуда кўп туманларга катта футбол кириб боради.

Футболимиздаги энг долзарб масалалардан бири болалар, футбо-

## «Қонун ҳимоясида» журнали саҳифаларида

ЎҚИНГ,  
АФСУС  
ҚИЛМАЙСИЗ

«1996 йилга нисбатан ўтган йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 1,7 фоизга қамайган... Шунга қармадан, вояга етмаганлар тарбияси муаммоси долзарблигича қолмоқда». Нима учун? Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари III даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашид Қодировнинг «Бир болага етти маҳалла ота-она» сарловҳали сўҳбатда бу саволга атрафлича жавоб берилган. Журналнинг 4-сонни мазкур сўҳбат билан очилади.

«Республика прокуратураси ҳайъат мажлиси қарорлари изидан» рўқни остида берилган материалларимизнинг мазмун-моҳияти ортқича изоҳси ҳам журналхонлар учун тушунарлидир. Бу гап махсус муҳбирларимиз саволларига Андижон вилоят прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси У.Шамсиев ва Фарғона вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Б.Тойжоновлар жавоб берадилар. Уларнинг интервьоларида водий вилоятларида юзага келган криминоген вазиятни бартараф этишга қаратилган тадбирлар ва амалга оширилган ишлар ҳақида баҳс юритилади.

«Ваҳобийлик илдизлари» мақоласини (муаллиф Ю.Абдуллаев) юқоридаги «қўшалоқ» сўҳбатнинг бевосита назарий давоми дейиш мумкин. Чунки Фарғона водийсида кейинги пайтда юзага келган криминоген вазиятнинг асл сабабчилари ўзларини диннинг ваҳобийлик оқимиға мансуб, деб кўрсатган бир гуруҳ жиноятчилар эди. Мазкур мақолада ваҳобийликнинг келиб чиқиши таҳлил қилиб берилган. Мақолани ўқиган кишилар ваҳобийлик халқимизнинг табиатиға, миллий қадриятларимизға мутлақо ёт оқим эканлигиға яна бир бор амин бўладилар.

Давлатимиз тарихида илк бор кўппартиявийлик ва демократик асосда сайланган янги типдаги парламент - Ўзбекистон Олий Мажлиси иш бошлаганиға бу йил февраль ойида уч йил тўлди.

Юридик фанлари номзоди Э.Халиловнинг «Қонун устиворлиги» ҳуқуқий давлатнинг асосий белгисидир» сарлавҳали мақоласи, шу муносабат билан босиб ўтилган йўлга назор ташланади ва амалга оширилган ишлар ҳолисона баҳоланади.

«Замонавий кадрлар тайёрлашға оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари», «Айбланувчи кўрсатмасининг ишончилигини таъминлаш ҳусусиятлари», «Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш», «Рецедив жиноятчилик муаммолари» деб номланган мақолалар ҳуқуқ назарияси ва қонунчилигимизнинг бошқа долзарб масалаларига бағишланган.

Прокуратура қонун ижросини назорат қилувчи идорадир. Шунинг учун, қонун бузилди, ёки ҳуқуқий манфаатларимиз зарар етди, деб ҳисоблаган фуқаро биринчи навбатда прокуратураға мурожаат қилади. Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи О. Муҳаммедовнинг «Прокуратура аралашса...» деб номланган ахборотномасида ана шундай арзномаларнинг бир туркумиға жавоб берилган.

«Прокуратура фаолияти хроникаси» рўқни остида ёритилган иккинчи бир мақола «Менга ёрдам беринг» деб номланади. Унда бевосита «Қонун ҳимоясида» журналиға келган шикоят хатлари ва уларнинг жавоблари шарҳланади.

Кейинги пайтда журнал ўз ўқувчиларини Прокуратура тизимиди бошқарма ва бўлимларнинг вазифалари ва улар амалга оширган ишлар билан таништириб бориши русм қилиб бормоқда. Бу гап журналхонларға зарбарақлардаги рангли суратлар ва махсус мақола орқали Республика прокуратураси судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси ҳақида ахборот берилган.

Булardan ташқари «Нафс сиртмоғида» детектив қиссасининг давоми, аънавий рўқнар остида ранг-баранг қизиқarli материаллар, тарий фотосуратлар журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

лини ривожлантириш ва лаёқатли ўсирилари катта футболға олиб кириш ҳисобланади. Бу масалани ҳақ этиш учун олий лигадаги каби 1-лига жамоаларида ҳам ўринбосарлар таркибини ташкил этиш, иқтисодий томонини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасидаги мусобақаларини навбатма-навбат барча жамоалар иштирокида бир вилоятда мазлум бир вақтда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Булardan ташқари болалар ўсирилар футбол мактабларини аниқ бир жамоа оналигиға топшириш яхши натижа бериши мумкин.

Ўсирилар ва ёшларнинг ҳар ўнчало лига жамоалари сафиди ўйинларда катнашиши таъминланса яхши бўлар эди. Масалан, олий лига жамоасида ҳеч бўлмаганда 2 та 20 ёшга яқин футболчиларнинг асосий таркибда қамлиб 70 фоиз ўйинларда, 1-лига жамоалари асосий таркибда мунтазам битта 18 ёки ундан кичик ёшли футболчи майдонға тушиши ва у фақат шу ёшгача бўлган ўйинчи билан алмаштирили-

ши, 2-лига жамоасида эса 18 ёшли 3 нафар футболчини асосий таркибға тушириш ва шу ёшли футболчи билан алмаштирилиши шарт қилиб қўйилмоғи лозим бўлади.

Хорижий футболчиларнинг миллий чемпионат ўйинларида катнашуви ҳақида. Бунда бир ўйинда жамоада 3 тадан ортқ хорижий футболчининг майдонға тушиши чекланиши лозим. Акс ҳолда иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоалар ўрни босарлар тайёрлаш, ёшларни асосий таркибға қўйиш ўрниға жамоамизнинг 50 фоизини хорижий кучли футболчилар билан тўлдирishi мумкин. Гарчи, бугунги кунда бу масала жиддий тўпласа-да, мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан жуда тез ривожланаётганини назардан қочқармайлик. Бу жароён спортимиз раванкиға ҳам ижобий таъсир кўрсатаётгани шубҳасиздир.